

РЎЙХАТГА ОЛИНГАН

469 - сон

2018 йил 16 июль

"ТАСДИҚЛАНГАН"

АТ "Алоқабанк" Бошқарувининг

2018 йил 16 июль даги

141 - сонли баённомаси



Бошқарув Раиси

К.Ирисбекова

**"ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ"**

ТОШКЕНТ - 2018

I. Умумий қоидалар

1.1. Мазкур Давлат харидларини ўтказишда Одоб-ахлоқ қоидалари (қуйида матн бўйича – “Қоидалар”) Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-472-сонли “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунининг 38-моддасига асосан ишлаб чиқилган.

1.2. Қоидалар банк ходимларининг ва харид комиссияси аъзоларининг давлат харидларини ўтказишда касбга доир ҳамда хизматдан ташқари фаолиятда одоб-ахлоқнинг ягона принциплари ва қоидалари, касбий тайёргарликка доир ягона талаблар, ходимларнинг касбий тайёргарликни текшириш тартиб-таомиллари, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш чора-тадбирларини белгилаб беради.

1.3. Ушбу Қоидалар банкнинг барча ходимларига, улар эгаллаб турган лавозимдан қатъий назар, шу жумладан Бошқарув аъзолари ва банк филиаллари бошлиқларининг ўз фаолиятида (қуйида матн бўйича – “Банк ходимлари”) жорий этиладиган умуммажбурий давлат харидларини ўтказишдаги одоб-ахлоқ қоидаларини ўзида жамлайди.

1.4. **Давлат буюртмачиси** - давлат харидларини амалга оширувчи юридик шахс.

1.5. **Давлат хариди** - товарларни (ишларни, хизматларни) давлат буюртмачилари томонидан пулли асосда сотиб олиш.

1.6. **Давлат харидлари тўғрисидаги шартнома** - давлат харидлари бўйича ҳуқуқлар ва мажбуриятларни белгилаш, ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида давлат буюртмачиси ва давлат харидларининг ижросиси ўртасида тузиладиган битим.

1.7. **Масъул шахс-Банк** тизимида давлат харидида қанташиши ёки банк номидан фаолият юритиши белгиланган ёхуд давлат харидида иштирок этаётган шахс ва давлат хариди комиссияси аъзолари.

1.8. **Харид комиссияси**—харид қилиш тартиб-таомиллари ғолибини танлаш тўғрисида қарорлар қабул қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял органдир. Харид комиссияси ишининг асосий мақсади иштирокчиларнинг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан ҳамда давлат харидлари рақобатлашув усуллари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат. Харид комиссияси давлат буюртмачиси ҳузурида доимий фаолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

1.9. Давлат харидларини ўтказиш учун Одоб-ахлоқ қоидалари давлат буюртмачиларининг ёки уларнинг юқори турувчи органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

II. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИНИНГ ЯГОНА ПРИНЦИПЛАРИ

2.1. Давлат харидларини ўтказишда Одоб-ахлоқ қоидаларининг касбга доир ягона принциплари қуйидагилардан иборат:

- а) қонунийлик;
- б) Банк манфаатларининг устуворлиги;
- в) хизмат бурчига фидоийлик;
- г) давлат ва жамият манфаатларига содиқлик;
- д) адолатлилик, ҳалоллик ва холислик;
- е) манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик.
- ж) коррупцияга йўл қўймаслик.

2.2. Давлат харидларини ўтказишда Одоб-ахлоқ қоидаларининг хизматдан ташқари фаолиятда ягона принциплари қуйидагилардан иборат:

- а) Махфийлик (ошкор қилмаслик);
- б) Жамият ахлоқ қоидаларига риоят этишлик.

III. ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИНИ ЎТКАЗИШДА ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ

3.1. Банк ходимлари давлат харидларини ўтказишда қуйидагиларга мажбур:

- а) Давлат харидларини амалга ошириш жараёнида қонун ҳужжатларига риоя этиш;
- б) Давлат харидларини ўтказишда банк ходимлари томонидан банк тизимида юқорида санаб ўтилган ягона принципларни тўғри қўллаш;
- в) Қонунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида тўғри қарор қабул қилиш;
- г) Масъул шахс томонидан давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган тартибда ва мuddатларда махсус ахборот порталига жойлаштириш;
- д) Давлат харидларини ўтказишда бирор-бир шахслар, гуруҳлар ёки ташкилотларга ён босмаслик ва устунлик бермаслик, уларнинг таъсиридан

мустақил бўлиш, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳисобга олиш, камситиш ҳолатларига йўл қўймаслик;

е) Давлат харидларини ўтказишда тўққинлик қилувчи бирор-бир шахсий, мулкӣй ва бошқа манфаатларнинг таъсири билан боғлиқ бўлган хатти-ҳаракатларга барҳам бериш;

ж) Мазкур Қоидаларда белгиланган чеклашлар ва тақиқларга риоя қилиш ва белгиланган қоидаларни оғишмай бажариш, умуман банкнинг нуфузига зарар етказишга қодир бўлган вазиятларга йўл қўймаслик;

3) Давлат харидлари ўтказишда давлат органлари, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари, шунингдек фуқаролар фаолиятига ноқонуний таъсир кўрсатиш учун фойдаланмаслик;

и) Масъул шахс томонидан харид қилиш тартиб-таомилларининг ғолиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиш, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаш.

3.2. Давлат харидлари бўйича масъул шахслар фаолияти давомида иштирокчилар ҳамда ижрочилардан моддий ва номоддий бойликларни олиши тақиқланади.

3.3. Бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонлар фақат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина махсус ахборот порталига ва бошқа оммавий ахборот воситаларига жойлаштирилиши шарт.

3.4. Давлат харидларини ўтказишда қонун ҳужжатларига ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

IV. КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИККА ДОИР ЯГОНА ТАЛАБЛАР

4.1. Давлат харидларида иштирок этувчи шахслар ўз хизмат вазифаларига доир малака талабларидан ташқари харидлар жараёнида иштирок этиш учун касбий тайёргаликка эга бўлиши лозим.

4.2. Ушбу қоидалар билан танишиб чиққан бўлиши лозим.

4.3. Ахборот технологиялари билан ишлаш лаёқатига эга бўлиши лозим.

4.4. Давлат харидларига доир қонун ҳужжатлари ва банкнинг ички меъёрий ҳужжатларини билиши лозим.

4.5. Харид қилинаётган товарлар, ишлар, хизматлар ҳақида тушунчага эга бўлиши лозим.

4.6. Масъул ходим малакасини мунтазам равишда ошириб бориши ва босқичма-босқич амалий тажрибага эга бўлиб бориши лозим.

V. КАСБИЙ ТАЙЁРГАРЛИКНИ ТЕКШИРИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ

5.1. Банкда давлат харидлари бўйича харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича масъул бўлган шахснинг белгиланиши шарт.

5.2. Ўз ҳаракатларини амалга оширишда масъул шахс илм, техника ва фаннинг бошқа соҳаларида эришилган натижалардан келиб чиқади. Ушбу ҳаракатлар замонавий билим ва тажрибага мувофиқ бўлишини талаб этади.

5.3. Давлат харидларини ўтказишда коррупцияга ва қонун ҳужжатларининг бошқача бузилишларига қарши курашилади.

VI. МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

6.1. Манфаатлар тўқнашуви банк ходимларининг шахсий манфаатлари уларнинг ўз хизмат вазифаларини холисона ва беғараз бажаришига таъсир кўрсатадиган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ҳолатлардир.

6.2. Давлат харидларини ўтказишда манфаатлар тўқнашувиغا сабаб бўладиган шахсий манфаатдорлик ҳолатларига йўл қўйилмайди.

6.3. Банк ходимларининг шахсий манфаатдорлиги уларнинг шахсан ўзи ёки яқин қариндошлари, шунингдек уларнинг яқин ёки ишбилармонлик муносабатларида бўладиган бошқа шахслар учун ҳар қандай наф кўриш ёки афзалликларга эга бўлишни ўз ичига олади.

6.4. Манфаатларнинг исталган потенциал, тахмин қилинаётган ёки мавжуд тўқнашуви ҳақидаги ахборот ошкор этилиши лозим.

6.5. Манфаатлар тўқнашуви юзага келган тақдирда бу ҳақда банк ходимлари бевосита АТ "Алоқабанк" тизимида товарлар (ишлар, хизматлар)ни харид қилинишини таъминлаш бўйича комиссия раисини дарҳол хабардор қилиши, бир вақтнинг ўзида эса "Давлат харидлари тўғрисида"ги Қонунда кўрсатилган ваколатли органи ҳам хабардор этишлари шарт.

6.6. Манфаатлар тўқнашуви мавжудлиги тўғрисидаги маълумотни олган раҳбар уни олдини олиш ёки уни бартараф этиш бўйича ўз вақтида чоралар кўриши шарт.

